

Ey odamlar, sizlar bu yerda yuribsizlar, masjidda esa Muhammadning (sav) meroslarini tarqatishyapti

21:37 / 27.04.2016 3734

Абу Хурайра (р.а.) бир куни бозорга кириб: “Эй одамлар, сизлар бу ерда юрибсизлар, масжидда эса Муҳаммаднинг (сав) меросларини тарқатишяпти”, дедилар. Одамлар бозорни ташлаб, масжидга югуришди. Бир пасдан сўнг қайтиб келишиб: “Эй Абу Хурайра, биз мерос тарқатилаётганини кўрмадик”, дейишди. У киши: “Нимани кўрдинглар?” деб сўрадилар. “Бир қавм Аллоҳни зикр қилаётганини, Қуръон ўқиётганини кўрдик” дейишди. Абу Хурайра: “Ўша нарсалар Муҳаммад (сав) меросларидир” дедилар. Демак, навбатдаги ҳадис билан танишамиз.

Абу Хурайра (р.а.) дан ривоят қилинади, Пайғамбар (сав) "кимга илмсиз равишда фатво берилса, гуноҳи унга фатвони берган кимсага бўлади". "Кимки ўз биродарига тўғрилиқ бошқа тарафда эканлигини билиб туриб бошқа бир ишни кўрсатса батаҳқиқ унга ҳиёнат қилган бўлади" дедилар. Бу ҳадиси шарифни имом Абу Довуд ва имом Ибн Можалар ривоят қилган эканлар. Пайғамбаримиз (сав) ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида икки муҳим масалани баён қилмоқдалар, 1 "илмсиз кишини фатво бериши мумкин эмаслиги", 2 "билиб туриб бировга нотўғри йўл кўрсатиш ҳиёнат эканлиги". Бир мусулмон инсон ўзи қилмоқчи бўлган ишини Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлишини ислом шариатига мос бўлишини хохлади. Аммо уни қандай қилса тўғри бўлишини билмади, бориб бир кишидан ўша ишнинг ҳукмини сўради. Чунки ўша одам бу ҳукми билса керак деб ўйлайди, шунинг ундан сўрайди. Аслида ўша фатво сўралган одам, фатво беришга қодир бўлмаса, мазкур ишнинг ҳукмини аниқ ва ишончли равишда билмаса, билмайман деб айтиши керак. Аммо билмасаю ўзича тахмин билан нотўғри жавоб берса, сўраган одам соф ният билан Аллоҳнинг динининг ҳукми шу экан деб, ҳалиги нотўғри ишни қилса нима бўлади? Унда ҳудди ҳадисда айтилганидек "кимга илмсиз равишда фатво берилса, гуноҳи унга фатвони берган кимсага бўлади". Чунки нотўғри ишнинг содир бўлишига ўша илмсиз равишда фатво берган киши сабаб бўлди. Агар у нотўғри фатво бермаганида ҳалиги одам бошқа биладиган одамдан сўраб, билиб, ишни тўғри ҳолда амалга оширган бўлар эди. Нотўғри фатвога ишониб, нотўғри ишни савоб ниятида қилган кишига эса гуноҳ бўлмайди.

Аммо у киши фатвони нотўғри эканини билиши билан ўша ишни тўхтатиши лозимдур. Иккинчи бор ҳалиги жоҳил кишидан фатво сўрамаслиги ҳам лозим, ўзи учун ишончли, тақводор, инсофли ва билимдон устоз топиб олиб ўшандан сўраб иш қилиши керак. Яна бошқа бир киши келиб бировдан маслаҳат сўради, "фалон нарсани амалга оширишим учун қайси йўлни тутмоғим керак" деган савол берди. Сўралган одам ўша нарсани амалга ошириш учун қайси йўлни тутса бўлишини яхши билади. Аммо ўзига ишониб, йўл сўраган одамни билиб туриб, бошқа нотўғри йўлни кўрсатади, бундай алдамчи одамни ким деб баҳолаш мумкин? Уни ушбу ҳадисда қуйидагича баҳоланмоқда, "кимки ўз биродарига тўғрилиги бошқа тарафда эканлигини билиб туриб, бошқа бирни ишни кўрсатса, батаҳқиқ унга ҳиёнат қилган бўлади". Бу жойда "ўз биродарига" иборасига эътибор берайлик. Бундан орасида биродарлик алоқаси бор одамдга нисбатан мазкур ишни қилиб бўлмаса ҳам биродар бўлмаган кишиларга нисбатан қилаверса бўлар экан деган тушунча келиб чиқмайди. Муомала бобида Ислом барча инсонларни бир-бирига биродар деб билади. Ислом ҳукми бўйича хатто ғайридинларга ҳам ёлғон гапириб, уларни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда барча одамларни инсоният бўйича биродарлиги кўзда тутилмоқда. Одатда ишончга омонатга ҳиёнат қилган одамни хойин дейилади. Бир одам иккинчисига ишониб, ундан бир ишни қандай қилиб сўраши омонатдур, ўша сўралган одам ишончни оқлаб тўғри жавоб берса, омонатга ҳиёнат қилмаган бўлади. Агар у билиб туриб бошқа нарсани айтса, омонатга ҳиёнат қилган бўлади. Демак биров қайси бир нарсани сўраса ҳам билиб, аниқ жавоб бериши керак. Билмай туриб жавоб бериш гуноҳ бўлади, билиб туриб нотўғри жавоб бериш эса катта ҳиёнат бўлади. Энди ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни қисқача кўриб чиқайлик. 1 фойда "бир масалани аниқ билмай туриб фатво бериш мумкин эмаслиги", 2 "бир масалани билмай туриб фатво берган одам гуноҳкор бўлиши", 3 "нотўғри фатвога унинг нотўғри фатволигини билмай амал қилган одам гуноҳкор бўлмаслиги", 4 "сўралган масалани билган одам тўғри жавоб бериши зарурлиги", 5 тўғри йўлни билиб туриб бошқа йўлни кўрсатиши хоин ва гуноҳкор эканлиги".